

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК – ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ КАФЕДРАСИ

24-БИҚ-11 гуруҳ талабаси
ЮСУФЖОНОВ ШЕРЗОД ИБРОХИМЖОН ЎҒЛИНИНГ

ДИПЛОМ ЛОЙИХА ИШИ

Мавзу: Косонсой туман 4-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биносини
лойиҳалаш

Диплом лойиҳа иши раҳбари:

Эгамов А.Наманган вилоят
архитектура қурилиши бош
бошқармаси лойиҳа бош
муҳандиси

Наманган – 2015 й.

Кириш	3
Қурулиш меъморчилиги	8
Ҳисоб – конструктив	20
Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш	29
Қурилишни иқтисодиёти	37
Хаёт фаолияти хавфсизлиги	47
Атроф – муҳит муҳофазаси	55
Фойдаланилган адабиётлар	63
Илова	67

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» ги 52- сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда унга кўра, туман халқ таълими бўлимларининг шаклан ва мазмунан ўзгаргани узлуксиз методик хизматни самарали этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012-йил 16-17 феврал кунлари ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда Юрбошимизнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун моҳияти қисқача баён этилади.

Мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. «Баркамол авлод йили» муносабати билин қабул қилинган Давлат дастури ҳам мазмун – моҳияти ва аҳамиятига кўра, давлатимизнинг юксак мақсадларига эришишининг ишончли кафолати бўлиб, ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш йўлида дастур-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

2011-йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан 130 та спорт иншооти, 19 та сузиш ҳавзаси ва 65 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда узлуксиз таълим тизими тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикада 600 га яъни мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, улар ўз ичига ўқувчилар ижодиёт марказлари, техник ижодиёт марказлари, экология марказлари, саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари, соғлом авлод марказлари, болалар истироҳат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари ва бошқаларни олади.

Энг муҳуми, баркамол авлодни тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, фан ва бошқаларга қизиқтириш муҳим ҳисобланади. Ана шу мақсадда бугунги кунда мактаб ўқувчиларимизнинг 524,2 минг нафари мактабдан ташқари таълим муассасаларида, 2694,2 минг нафари умумтаълим мактабларидаги фан тўғаракларига, 286,5 минг нафари спорт мактабларига, 41,4 минг нафари мусиқа мактабларига, 150,3 минг нафари устоз – шогирд йўналишидаги тўғаракларда қамраб олинган. Бу кўрсаткич Республика бўйича жами ўқувчилар сонига нисбатан 75,1 фоиз (3657,3) ни ташкил этади.

Ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, таъмирлаш ва тиклаш борасида Руспубликамизда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 182 та замонавий лицей ва коллежларда ҳамда 697 та мактабларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди.

Муҳтарам Президентимиз тадбирлари билан айтганда мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кўлами кенг чора тадбирларни амалга ошириш имконини туғдиради.

Диплом лойиҳа мавзуларида ҳам ёшларни дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, унда 300 ўринли томоша зали, ўқув бинолари бўлган мусиқа мактаби биносини лойиҳалаш топширилган. Бинони лойиҳалашда ёшлар вақтини унумли ташкил қилиш учун 300 ўринли томоша зали, кутубхона ва тўғараклар учун хоналар лойиҳада кўзда тутилган.

Диплом лойиҳасининг меъморчилик қисмида бионинг ҳажмий режавий ечими, конструктив ечими, зилзилабардошлигини таъминлашга қаратилган ечимлар қабул қилинган. Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш бўлимида лойиҳаланаётган бинони қурилиши учун умумий меҳнат сарфи, машиналарга бўлган талаб ҳамда қурилиш муддати аниқланади.

Қурилиш иқтисодиёти қисмида бионинг объект смета қиймати, умумий смета қиймати, қурилиш муддатини қисқартиришдан олинган иқтисодий самара аниқланади. Атроф муҳит муҳофазаси бўлимида қурилиш учун танланган ер майдонини экологикбаҳолаш босқичлари ўрганиб чиқилган.

ҚУРИЛИШ МЕЪМОРЧИЛИГИ

1. Лойиҳалаш учун умумий маълумотлар

4-сонли болалар муסיқа ва санъат мактаби биноси Наманган вилояти Косонсой туманида қурилиши режалаштирилган.

Бино классификацияси – II ; бино узок яшовчанлик даражаси – II. Асосий юк қўтарувчи конструкциялар ёнғинбардошлик даражаси - II.

1 Қурилиш майдонининг асосий
тавсифномалари

IV^a иқлим зонаси

Ташқи ҳавонинг ёзги ҳисобий ҳарорати -]35,4⁰С ;

ташқи ҳарорати – 4,2⁰С ;

Шамолнинг асосий йўналиши – шимолий – шарқдан ;

Ер музлаш қатламининг чуқурлиги – 0,63 м ;

қор қопламаси бўйига 1 – географик районга мансуб бўлиб, меъёрий қор қопламаси – 0,5 кПа :

Қурилиш майдонининг зилзилабардошлиги – 8 балл :

Бинонинг ҳисобий зилзилабардошлиги – 8 балл ;

Ер ости сувлари – 10 м дан пастда жойлашган ;

Асос шағалли -тупроқдан иборат ;

Асосга тушадиган ҳисобий босим – 8 кгс/см²

Қурилиш майдонинг иқлимий маълумотлари [22] ҚМҚ 2.01.01 – 04 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий – геологик маълумотлар» асосида олинган.

Ушбу лойиҳа норма ва қоидалар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бундан ташқари уларга мос ҳолда бино эксплуатацияси давомида портлаш ва ёнғин хавфсизлиги олдини олувчи чора – тадбирлар кўзда тутилган.

2. Участка бош режаси

Болалар муסיқа мактаби биноси жойлашган ўрни бош режаси сметасига мос ҳолда, технологик ва асосий йўлларга боғланиш, санитар – гигиеник ва ёнғинга қарши талабларни ҳамда [13] ШНҚ 2.07.01 – 03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларини режалаштириш ва қуриш» талабларини ҳисобга олиб лойиҳаланган. Бино жойлашган ҳудуд шаҳар асосий йўлига боғланган. Бинони муҳандислик коммуникацияларга уланиши шаҳар бош режасига мувофиқ амалга оширилади.

Объект ҳудудида қуйидаги бинолар жойлашган

Лойиҳаланаётган муסיқа мактаби биноси :

Ёзги эстрада учун майдонча :

Умумий йиғилиш учун майдонча ;

Дам олиш майдончаси

Ҳовуз ;

Ҳожатхона ;

Қозонхона биноси ;

Маиший чиқиндиларни тўплашга мўлжалланган майдонча ;

Автомобилларни сақлаш ўрни :

Бино бош режасида атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш мақсадида худуд ичида гулзор, мевали ва манзарали кўп йиллик дарахтлар кўзда тутилган.

Мухандислик ускуналари

Вентиляция – табиий ва механик тортувчи :

Электр таъминоти – кучланиши 380/220 В ли Т П дан :

Алоқа ва сигнализация – ёнғин сигнализацияси ;

Иссиқ сув таъминоти – марказий, қозонхонадан ;

Водопровод – ичимлик – хўжалик ва ишлаб чиқариш мавжуд тармоқдан ;

Оқава сув таъминоти ;

Иситиш – ташқи тармоқдан, иссиқлик ташувчи сувнинг параметрлари – 65⁰ – 85⁰С

Бош режа асосий кўрсаткичлари

- | | |
|-----------------------------------|----------|
| 1.Бино ҳудуди - | 5000кв.м |
| 2. Қурилиш майдони – | 1409кв.м |
| 3.Асфальт йўл ва майдонлар – | 2577кв.м |
| 4. Бетон плиткали майдон – | 167 кв.м |
| 5. Кўкаламзорлаштирилган майдон – | 848 кв.м |
| 6. Қурилиш фоизи - | 28% |
| 7. Кўкаламзорлаштириш фоизи - | 17% |

Ҳажмий – режавий ечим

Болалар муסיқа мактаби 150 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, ўқув блоки биноси, вестьюбел ва томоша зали биноларидан ташкил топган.

Ўқув биноси икки қаватли, режадаги ўлчами 44,55x16,8 м, қават баландлиги 3,6 м. Бинода техник қават бор. Ўқув биноси асосан ўқув аудиториялари, ўқув устахоналари ва маъмурият хоналари жойлашган. Бинонинг умумий баландлиги 10,2 м ни ташкил қилади. Бино биринчи қаватида маъмурий хоналар, ўргатиш учун махсус хона, металл қиркиш устахонаси, ёғоч ва ганчга ўймакорлик ишларини ўрганиш бўйича ўқув устахоналари ва ёрдамчи бинолар жойлашган. Бино иккинчи қаватида муסיқадан назарий маълумотларни ўтказиш хоналари, муסיқа асбобларини сақлаш-ва таъмирлаш учун хоналар, оркестр, хор ва эстрада ижрочилари учун хона, камютер графикаси машғулотлари учун хона, ахборот ресурс маркази, маънавият хонаси, гилам тўқиш устахонаси каби хоналар жойлашган.

Вестьюбель биноси асосий кириш ҳисобланади, унда гардероб жойлашган ва вестьюбель залидан ракс ўтказиш мақсадида фойдаланиш режалаштирилган.

Томоша зали биносида 150 ўринли томоша зали, эстрада артистлар учун хоналар мавжуд.

Аёллар ва эркеклар санузели бинонинг биринчи ва иккинчи қаватида жойлашган.

Бинонинг ҳажмий режавий ечими мусиқа мактабидаги фаолият талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, билимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва унда амалга ошириладиган жараён тўла ҳисобга олинган.

Бино қаватлари ўзаро зоналар билан боғланган.

5. Конструктив ечим

Лойиҳа индустриал қурилиш маҳсулотлари каталоги асосида ишлаб чиқилган.

Пойдеворлар

Ғишт девор остига лентасимон яхлит темир-бетондан пойдевор лойиҳаланган. Пойдеворларни қўйилиш чуқурлиги турлича бўлиб, энг қуйи сатҳи – 2,9 м ни ташкил қилади.

Горизонтал гидроизоляция қалинлиги 50мм ли асфальтбетондан бажарилади. Пойдеворларни ер билан туташадиган қисмини 2 қатламли иссиқ битум суртиш билан гидроизоляция қилинади.

Девор

Бинонинг ички ва ташқи ғишт деворлари бўлиб асосий юк кўтарувчи конструкция сифатида хизмат қилади.

Монолит устунлар пойдевордан чиқарилади ва уларга стропил қурилмалари ўрнатилади. Монолит устунлар учун В20 классли бетон қўлланилган.

Ташқи ва ички деворлар ҳажмий оғирлиги 1800 кг/м^3 , маркаси «М75» бўлган оддий пиширилган ғишдан, қалинлиги 380 мм, яъни 1,5 ғишт қалинликда терилади.

Қурилиш райони 8 баллик сейсмик ҳудудга мансуб бўлганлиги учун ғишт териш жараёнида антисейсмик тадбирлар ҚМҚ «Зил-зилавий ҳудудларда қурилиш» асосида таъминланади.

Зинапоя

Зинапоя ИИГ – 03-02 серияда бўлиб, зинапоя зина ва майдончасидан иборат Зинапоя маркаси М50 бўлган цемент қоришма устига ўрнатилади.

Зинапоя майдончаси деворга ўрнатилади. Зина эса зина майдончасидаги ўриндиқга ўрнатилади.

Ташқи зинапоя металл конструкциялардан иборат. Зинанинг маҳкамловчи устун ҳам металл прокатдан тайёрланади.

Ораёпма ва томёпма плиталари. Ора ва том ёпма плитаси учун 1.461-1 серияли кўп бўшлиқли плиталар қўлланилган.

Кўп бўшлиқли панеллар деворга М50 цемент қоришма устига ўрнатилади.

Панеллар орасидаги чоклар М100 маркали цемент қоришма билан бир текисда тўлдирилади.

Кўп бўшлиқли плиталар ўзаро анкерлар билан пайванд қилинади. Плита ва бўшлиқларга 25 см чуқурликда бетон қуйилади. Панел кобурғаларни синдириш ёки у ердан тешик очиш таъқиқланади.

Стропил конструкциялари ва том.

Тўшама зали ва вестьюбель стропил қурилмаси сифатида металл ферма қўлланилган. Металл ферма қуйи белбоғи устидан металл прогон 12 ли швеллер ўрнатилади, уни устидан профнастил ётқизилади: Профнастил устидан 1 қават рубероиддан буғ сақлагич қатлами ётқизилади, Кейинги қатлам қалинлиги 120 мм ли минерал ватадан иссиқсақлагич, иссиқсақлагич қатлам устидан 33 мм қалинликдаги цемент-қумли қоришма ётқизилади. Ферманинг устки белбоғига 16-рақамли швеллердан тўшама ишлатади, ва уни устидан металлочерепица ётқизилади.

Ўқув биноси томи чордоқли бўлиб, чордоқ қисмида буғсақлагич қатлам устидан иссиқсақлагич сифатида ҳажмий оғирлиги 400 кг/ м³ ли минерал вата кўзда тутилган. Иссиқсақлагич устидан қалинлиги 30 мм ли шлак-оҳак аралашмали қоришма ётқизилади.

Том тўшамаси сифатида металлчерепица қўлланилган. Стропила ёғочи устидан 50х50 қадамда рейкадан обрешотка тўкилиб, металлочерепица қўлланилган. Томдан ёғоч сувлари ташкил қилган ҳолда трубалар орқали чиқиб кетади.

Том конструкцияси таркибида томнинг шамоллатиш кўзда тутилган.

Поллар

Полни ётқизишда ҚМҚ 3.02.01-87 «Поллар» ва СН-300-05 кўрсатмасига асосан ётқизилиши мумкин.

Асосий механик усулда зичлаш лозим, Юқори қатламга гравий солиб зичлаш лозим. Полни бетон қатламини вибратор ёрдамида зичланади Пол қиялигини грунтли планировка қилишда ҳосил қилиш керак. Бу бино жамоат биноси сирасига киргани учун асосан хоналарда ёғоч пол қўлланилган. Аппарат ўрнатилиши кўзда тутилган хоналарда, вебкамерадан бетон пол қўлланилади. Сантехника хоналари учун керамик пол қўлланилади.

Эшик ва деразалар

Эшик ва деразалар алюмин профилли қабул қилинган. Хоналарни ўзаро боғлаш учун ва бошқа хоналарга кириш учун қўлланилган.

Ички ва ташқи пардозлар

Ташқи ғиштли девор ва парда деворлар сувоқ қилиниб, сўнгра бўёк қилинади..

Бино атрофи 600 мм ли асфальтли отмостка ётқизилади.

Антисейсмик чоралар

Лойиҳаланаётган бинонинг сейсмик мустаҳкамлигини оширишга қаратилган қуйидаги асосий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бино периметри бўйлаб жойлашган хоналарнинг ораёпма ва томёпма панелларнинг ўзаро силжишига йўл қўймаслик мақсадида шпонка ҳосил қилинади: бунинг учун панелларнинг ён қисмида қолдирилган ўйик жойларига цемент қоришма қуйилади. Поллар орасидаги чокларда ҳосил бўладиган қирқувчи кучларни анна шу шпонкалар ўзига қабул қилади.

Бундан ташқари бўйлама кучларни қабул қилиш учун панел текисликда яхлитликни таъминловчи темир-бетон боғлама ишлатилади. Ёпма панеллари боғлама билан арматура ёрдамида бириктирилади. Темир – бетон боғламалари бор ерда панеллар орасига боғлагич қўймаса ҳам бўлади.

Ғишт деворли биноларда бўйлама ва кўндаланг деворларнинг туташув ерлари нозик жой ҳисобланади. Ички йўналишдаги деворларни бир-биридан ажратишга интилувчи зўриқишлар шу ерларга тўпланади. Ички йўналишдаги деворларни боғланишини кучайтириш мақсадида туташув ерларидаги горизонтал чокларга сим тўр ётқизилади. Сим тўрларнинг узунлиги 1,5-2,0м бўлиб, қурилиш майдончаси 8 балли сейсмик ҳудуд бўлгани учун девор баландлиги бўйлаб ҳар 50 см да жойлаштирилади.

Деворларнинг ўзаро бирикувини мустаҳкамлаш мақсадида сим тўрларидан ташқари темир-бетон антисейсмик камарлардан фойдаланилади. Бинода антисейсмик камарлар барча бўйлама ва кўндаланг (ички ва ташқи) деворлар орқали ўтказилиб ҳар бир қаватнинг баландлигига ётқизилади: девор ва ёпмалар билан чамбарчас боғланиб, ягона ёпиқ система ташкил қилади. Антисейсмик камарлар деворларнинг ўзаро боғланишини мустаҳкамлайди; деворларнинг ўз текислигида пишиқлигини оширади: ёпмаларнинг биқирлиги ва монолитлигининг ортишини таъминлайди

Камарларга бутун периметр бўйлаб арматура ётқизилади ва ҳар 25-40 см да диаметри 4-6 мм бўлган пўлат хомут боғланади. Арматура сифатида А-1 синфли пўлат ишлатилиб, уларнинг диаметри 10 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Ётқизиладиган бетоннинг синфи В 12,5 дан кам бўлмаслиги керак. Бурчакларда ва кесишув жойларда қўйилган сим тўр мустаҳкамликни таъминлай олмаса, қия стержинлар қўйиш тавсия этилади. Камарларнинг кенлиги деворларнинг эни билан баробар олинди. Камарнинг баландлиги 15 см кам бўлмаслиги керак. Биноларнинг энг юқори қаватининг томи ўрнатадиган камарларнинг устида босиб турадиган юк бўлмаганлиги сабабли ер қимирлаганда камар силжиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун деворнинг узунасига ҳар 50см да камардан юқори ва пастга 25-30 см узунликда арматура чиқариб қолдирилади. Арматуранинг ўрнига шпонкадан фойдаланса ҳам бўлади. Бунинг учун камар остидаги деворда 14 ўлчамда чуқурга қолдирилади чуқурга вертикал арматура жойланади.

ҲИСОБ-КОНСТРУКТИВ

ЙИҒМА ТЕМИРБЕТОН ЗИНА ҲИСОБИ

Лойиҳалаш учун топшириқ.

Жамоат биноси учун мўлжалланган зинапоя учун эни 1,35 м бўлган темирбетон зинапоя зинасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш топширилган. Қават баландлиги 3 м. Зинанинг қиялик бурчаги $\alpha \approx 30^\circ$, зина поғонаси ўлчами 15х30 см. Бетон синфи В25, каркаслар учун арматура классси А-II, тўрлар учун Вр-I.

Ечиш. Юклама ва зўриқишларни аниқлаш.

Турар-жой ва жамоат бинолари қурилиши учун мўлжалланган йиғма буюмлар каталогига кўра зинанинг горизонтал проекцияга тушадиган хусусий оғирлиги $g^n=3,6$ кН/м² ни ташкил қилади. Турар-жой ва жамоат биноларини зинасига тушадиган юклама [10] нинг 2.3-жадвалига кўра $p^n=3,0$ кН/м² ни ташкил қилади, юклама бўйича ишончлилик коэффициенти $\gamma_n=1,2$; давомий таъсир этувчи вақтинчалик юклама $p_{ld}^n=1,0$ кН/м².

Зина 1 м узунлигига таъсир этувчи ҳисобий юклама

$$q = (g^n \gamma_f + p^n \gamma_f) l = (3,6 \cdot 1,1 + 3 \cdot 1,2) 1,35 = 10,3 \text{ кН/м}$$

Зина ўртасидаги ҳисобий эгувчи момент

$$M = \frac{ql^2}{8 \cos \alpha} = \frac{10,3 \cdot 3^2}{8 \cdot 0,867} = 13,3 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Таянчдаги қирқувчи куч

$$Q = \frac{ql}{2 \cos \alpha} = \frac{10,3 \cdot 3}{2 \cdot 0,867} = 17,8 \text{ кН}$$

Зина кесими ўлчамларини белгилаш. Қолипларга мос ҳолда плита қалинлигини (поғоналар оралиғидаги кесим бўйича) $h_f'=30$ мм, қобурға(косоур) баландлиги $h=170$ мм, қобирға қалинлиги $b_f=80$ мм. Зина ҳақиқий кесимини токчаси юқори зонада жойлашаган ҳисобий тавр кесимга келтирамыз: $b=2b_f=2 \cdot 80=160$ мм; токча эни b_f' ни кўндаланг қобирғалар мавжуд бўлмаган ҳол учун қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгилаймиз $b_f'=2(l/6)+b=2(300/6)+16=116$ см ёки $b_f'=12h_f'+b=12 \cdot 3+16=52$ см, ҳисоб учун кичик қийматни қабул қиламиз $b_f'=52$ см.

Ҳисоблаймиз

$$A_o = \frac{M\gamma_n}{R_b\gamma_{b2}b_f'h_o^2} = \frac{1330000 \cdot 0,95}{14,5(100)0,9 \cdot 52 \cdot 14,5^2} = 0,089;$$

жадвалдан $\eta = 0,953$; $\xi = 0,095$

$$A_s = \frac{M\gamma_n}{\eta h_o R_s} = \frac{1330000 \cdot 0,95}{0,953 \cdot 14,5 \cdot 280(100)} = 3,26 \text{ см}^2;$$

Юзаси $A_s=3,08 \text{ см}^2$ бўлган 2Ø14 А-II арматура қабул қиламиз. Ҳар бир қобурғага биттадан К-1 ясси каркас ўрнатамиз.

Кўндаланг кесим бўйича ҳисоб. Таянчдаги кўндаланг куч $Q_{max}=17,8 \cdot 0,95=17 \text{ кН}$.

Қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобий қия кесимни бўйлама ўққа проекцияси c ни ҳисоблаймиз

$$B_b = \varphi_{b2} (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} \gamma_{b2} b h_o^2$$

бу ерда

$$\varphi_n = 0; \varphi_f = 2 \frac{0,75(3h_f')h_f'}{b h_o} = 2 \frac{0,75 \cdot 3 \cdot 3^2}{2 \cdot 8 \cdot 14,5} = 0,175 < 0,5;$$

$$1 + \varphi_f + \varphi_n = 1 + 0,175 = 1,175 < 1,5;$$

$$B_b = 2 \cdot 1,175 \cdot 1,05 \cdot 0,9 (100) 16 \cdot 14,5^2 = 7,5 \cdot 10^5 \text{ Н/см};$$

Ҳисобий қия кесимда $Q_b = Q_{sw} = Q/2$, $Q_b = B_b/2$, бундан $c = B_b/0,5Q = 7,5 \cdot 10^5 / 0,5 \cdot 17000 = 88,3 \text{ см}$, $2h_o = 29 \text{ см}$ дан катта. Демак $Q_b = B_b/c = 7,5 \cdot 10^5 / 29 = 25,9 \cdot 10^5 \text{ Н} = 25,9 \text{ кН} > Q_{max} = 17 \text{ кН}$, бундан кўриниб турибдики кўндаланг арматурани ўрнатилиши ҳисоб бўйича талаб қилинмайди.

Узунликнинг $1/4$ қисмида кўндаланг арматурани конструктив шартлар асосида А-I классли арматурадан 6 мм ли диаметрда $s=80 \text{ мм}$ ли ($h/2=170/2=85 \text{ мм}$ дан катта бўлмаган) кадамда ўрнатамиз. Бунда $A_{sw}=0,283 \text{ см}^2$, $R_{sw}=175 \text{ МПа}$; каркасларни сони 2 та бўлгани учун $n=2$, $A_{sw}=0,566 \text{ см}^2$; $\mu_w=0,566/16 \cdot 8=0,0044$; $\alpha=E_s/E_b=2,1 \cdot 10^5/2,7 \cdot 10^4=7,75$. Қобурғанинг ўрта қисмида кўндаланг арматурани конструктив шартлар асосида қадамини $s=200 \text{ мм}$ да ўрнатамиз.

Оғма ёриқлар оралиғидаги қия полоса бўйича элемент мувстаҳкамлигини қуйидаги формула ёрдамида текшираимиз

$$Q \leq 0,3\varphi_{w1}\varphi_{b1}R_b\gamma_{b2}bh_o$$

бу ерда

$$\varphi_{wi} = 1 + 5\alpha\mu_w = 1 + 5 \cdot 7,75 \cdot 0,0044 = 1,17$$

$$\varphi_{bi} = 1 - 0,01 \cdot 14,5 \cdot 0,9 = 0,87$$

$$Q = 17000 < 0,3 \cdot 1,17 \cdot 0,87 \cdot 14,5 \cdot 0,9 \cdot 16 \cdot 14,5 (100) = 93000 \text{ H};$$

Шарт қаноатлантиради, зинанинг қия кесим бўйича мувстаҳкамлиги таъминланди.

Зина плитасини диаметри 3 мм ли Вр-I классли арматура билан $s=100$ мм ли қадамдаги С-1 тўр билан арматураланади. Плита Зина поғоналари билан монолит боғланган ва унинг юк кўтариш қобилияти зина поғоналарининг ишини ҳисобга олганда таъминланади. Зина поғонасига ўрнатиладиган ишчи арматура поғонанинг узунлиги 1-1,4 м бўлганда, ташиш ва монтаж пайтидаги таъсир қиладиган юкламаларни ҳисобга олган ҳолда 6 мм олинади. Тақсимловчи арматурани ҳам диаметрини 6 мм, қадамини 200 мм белгилаймиз.

Темирбетон зина майдончаси ҳисоби

Лойиҳалаш учун маълумотлар. Икки зинали зинапоя майдончасини ҳисоблаш ва конструктивлаш талаб қилинади. Плита эни 1350 мм, қалинлиги 60 мм, Зина катагини эни 3 м. Вақтинчалик меъёрий юклама 3 кН/м^2 , юклама бўйича ишончлилиқ коэффициентини $\gamma_f=1,2$. Бетон синфи В25, каркаслар учун арматура классини А-II, тўрлар учун Вр-I.

Ечиш. Юкламани аниқлаш.

Қалинлиги $h_f'=6 \text{ см}$ бўлганда плитанинг хусусий меъёрий оғирлиги; $g_n=0,06 \cdot 25000=1500 \text{ Н/м}^2$; плитанинг ҳисобий оғирлиги $g=1500 \cdot 1,1=1650 \text{ Н/м}^2$; рўпарадаги қобурғанинг ҳисобий оғирлиги (плита оғирлигини ҳисобга олмаганда) $q=(0,29 \cdot 0,11+0,07 \cdot 0,007)1 \cdot 25000 \cdot 1,1=1000 \text{ Н/м}$; четки девор олди

қобирғанинг ҳисобий оғирлиги $q=0,14 \cdot 0,09 \cdot 1 \cdot 25000 \cdot 1,1=350$ Н/м.
Вақтинчалик ҳисобий юклама $P=3 \cdot 1,2=3,6$ кН/м².

Зина майдончасини қуйидаги элементларини ҳисоби бажарилади: қобирғага қистириб маҳкамланган токча, зина поғонаси таянадиган рўпарадаги қобирға ва плита токчасини ярмидан тушаётган юкломани қабул қилувчи девор олди қобирғаси.

Плита токчаси ҳисоби.

Плита токчасини, кўндаланг қобирғалари мавжуд бўлмагани учун таянчларга қисман маҳкамланган тўсинсимон элемент сифатида ҳисобланади. Ҳисобий узунлик қобирғалар орасидаги масофа 1,13 м га тенг.

Пластик шарнир ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда ораликдаги ва таянчдаги эгувчи моментни, моментларни ўзаро тақсимланишини ҳисобга олувчи, қуйидаги формула билан аниқланади

$$\bar{M} = M_s = \frac{ql^2}{16} = \frac{5250 \cdot 1,13^2}{16} = 420 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

бу ерда $q=(g+p)b=(1650+3600) \cdot 1=5250$ Н/м; $b=1$ м.

$b=100$ см ва $h_o=h-a=6-2=4$ см бўлганда ҳисоблаймиз

$$A_o = \frac{M\gamma_n}{R_b\gamma_{b2}bh_o^2} = \frac{420 \cdot 0,95}{14,5(100)0,9 \cdot 100 \cdot 4^2} = 0,019;$$

жадвалдан $\eta = 0,981$; $\xi = 0,019$

$$A_s = \frac{M\gamma_n}{\eta h_o R_s} = \frac{420 \cdot 0,95}{0,981 \cdot 4 \cdot 375(100)} = 0,27 \text{ см}^2;$$

Вр-I классли, диаметри 3 мм ли арматурани қадами $s=200$ мм қадамда ўрнатилган С-1 тўрни ўрнатамиз, арматура юзаси $A_s=0,36$ см². Тўр таянчларда юқори қисмга қаратиб букилади.

Рўпарадаги қобирға ҳисоби.

Рўпарадаги қобирғага қуйидаги юкломалар таъсир қилади.

Токчанинг ярмидаги текис тақсимланган доимий ва вақтинчалик юклама ва ўзининг хусусий оғирлиги

$$q = (1650 + 3600) \cdot \frac{1,35}{2} + 1000 = 4550 \text{ Н/м};$$

зинанинг қобирғага таяниш қисмидаги таянч реакциясидан текис тақсимланган юклама. Таянч реакцияси рўпарадаги қобирғада эгилиш ҳосил қилади.

$$q_1 = \frac{Q}{a} = \frac{17800}{1,35} = 1320 \text{ Н/м.}$$

Қобирғанинг зина таяниш қисмида q куч таъсирида 1 м узунликда ҳосил бўлган эгувчи момент

$$M_1 = q_1 \frac{10+7}{2} = 1320 \cdot 8,5 = 11200 \text{ Н} \cdot \text{см} = 112 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Қобирға ўртасидаги ҳисобий эгувчи моментни аниқлаймиз (q_1 ни бутун узунлик бўйича таъсир қилади деб ҳисоблаймиз)

$$M = (q + q_1) \frac{l_0^2}{8} = (4550 + 1320) \cdot \frac{3,2^2}{8} = 7550 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

Кўндаланг кучнинг ҳисобий қиймати, $\gamma_n = 0,95$ ни ҳисобга олган ҳолда.

$$Q = (q + q_1) \cdot \frac{l \gamma_n}{2} = (4550 + 1320) \cdot 3,2 \cdot \frac{0,95}{2} = 8930 \text{ Н}$$

Рўпарадаги қобирғанинг ҳисобий кесими, эни $b'_f = 6h'_f + b_r = 6 \cdot 6 + 12 = 48 \text{ см}$ ли токчаси сиқилувчи зонада жойлашган тавр кўринишида. Қобирға токча билан монолит боғланган ҳамда бу боғланиш консоли чиқиқдаги моментни қабул қилишини таъминлайди, шу сабабли рўпарадаги қобирғани фақат эгувчи момент таъсирига ҳисоблаш етарли ҳисобланади. $M = 7550 \text{ Н} \cdot \text{м}$.

Эгилувчи элементларни ҳисоблашнинг умумий тартибига асосланган ҳолда куйидагиларни ҳисоблаймиз (ишончлилик коэффиценти $\gamma_n = 0,95$ ни ҳисобга олган ҳолда):

Нейтрал ўқ ҳолатини аниқлаймиз, бунда $x = h'_f$.

$$M \gamma_n = 755000 \cdot 0,95 = 0,72 \cdot 10^6 < R_b \gamma_{b2} b'_f h'_f (h_0 - 0,5 h'_f) =$$

$$= 14,5(100) 0,9 \cdot 48 \cdot 6(31,5 - 0,5 \cdot 6) = 10,7 \cdot 10^6 \text{ Н} \cdot \text{см}$$

шарт қаноатлантиради, нейтрал ўқ токчадан ўтади.

$$A_0 = \frac{M \gamma_n}{b'_f h_0^2 R_b \gamma_{b2}} = \frac{755000 \cdot 0,95}{48 \cdot 31,5^2 \cdot 14,5(100) 0,9} = 0,0117;$$

жадвалдан $\eta = 0,993$; $\xi = 0,0117$

$$A_s = \frac{M\gamma_n}{\eta h_0 R_s} = \frac{755000 \cdot 0,95}{0,993 \cdot 31,5 \cdot 280(100)} = 0,82 \text{ см}^2;$$

Конструктив шартларни ҳисобга олган ҳолда 2Ø10 А-II, $A_s=1,57 \text{ см}^2$ қабул қиламиз. Арматуралаш фоизи $\mu = \frac{A_s}{bh_0} 100 = \frac{1,57}{12 \cdot 31,5} 100 = 0,42\%$

Рўпарадаги қобирғани кўндаланг кучга қия кесим бўйича ҳисоблаш.
 $Q=8,93 \text{ кН}$.

Қия кесимни бўйлама ўққа прокциясини ҳисоблаймиз

$$B_b = \varphi_{b2}(1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} \gamma_{b2} b h_0^2 = 2 \cdot 1,214 \cdot 1,05(100) 12 \cdot 31,5^2 = 27,4 \cdot 10^5 \text{ Н/см}$$

бу ерда

$$\varphi_n = 0;$$

$$\varphi_f = \frac{0,75(3h'_f)h'_f}{bh_0} = \frac{0,75 \cdot 3 \cdot 6^2}{12 \cdot 31,5} = 0,214 < 0,5$$

$$(1 + \varphi_f + \varphi_n) = (1 + 0,214 + 0) = 1,214 < 1,5;$$

Ҳисобий қия кесимда $Q_b = Q_{sw} = Q/2$, $Q_b = B_b/2$, бундан $c = B_b/0,5Q = 27,4 \cdot 10^5 / 0,5 \cdot 8930 = 612 \text{ см}$, $2h_0 = 63 \text{ см}$ дан катта. Демак $c = 63 \text{ см}$ қабул қиламиз.

Ҳисоблаймиз

$$Q_b = \frac{B_b}{c} = 27,4 \cdot \frac{10^5}{63} = 43,4 \cdot 10^3 \text{ Н} = 43,4 \text{ кН} > Q = 8,93 \text{ кН}.$$

Ҳисоб натижасидан кўриниб турибдики, кўндаланг арматура ҳисоб бўйича талаб қилинмайди. Конструктив талаблар асосида А-I классли диаметри 6 мм ли арматурани 150 мм қадамда (консоли чиқикда эгувчи момент борлигини ҳисобга олган ҳолда) ўрнатамиз.

Йиғма зина таяниши учун мўлжалланган консолли чиқикни С-2 тўр билан арматуралаймиз. С-2 тўрда А-I классли диаметри 6 мм ли арматурани қўллаймиз, бу тўрни кўндаланг стерженларини қобирғанинг К-1 каркасига хомут ёрдамида бириктириб қўйилади.

ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

Муסיқа мактаби биноси қурилиши учун умумий меҳнат сарфи, машиналарга бўлган талабни аниқлаш жадвали

Т р	Ишларнинг номи	ЕНиР	Иш ҳажми		Сарфланган меҳнат			Машиналарга талаб					
			Иш ҳажми бирлиги	Сони	Звено таркиби	Бирлик ҳаж- ми учун вақт бирлиги	Тўла ҳажм учун вақт бирлиги	Машина ва механизм ҳажми	Бирлик ҳажм учун маш соат				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
I	Тайёргарлик ишлари						130.0						
II	Умумқурилиш ишлари												
	1 Ер ишлари												
1	Қурилиш майдончасини қуввати 80 квт булдозер билан ишлаш	2-1-24	1000 м ²	3,8	Маши нист 5р-1	0,36	0,2	Д-157	0,36	0,17	1	1	1
2	Ўсимлик ўсадиган қаватни сидириш Д-157 булдозер билан	2-1-5	1000 м ²	0,076	Маши нист 5р-1	0,93	0,009	Д-157	0,93	0,009			
3	Ковуш ҳажми 0,5 м ³ ли тўғри лопатали эксковатор билан тупроқни отвалга ковлаш	2-1-8	100 м ³	26,3	Маши нист 5р-1	3,4	11,2	Э-257	3,4	11,17	6	2	1
4	Тупроқни қўлда ишлаш	2-1-11	м ³	184,0	Ер қазувч и2-1	1,36	31,1				8	2	2
5	Иш фронтини очиб бериш учун тупроқни 50 мга суриш	2-1-21	100 м ³	26,3	Маши нист 5Р -1	2,29	7,5	Д-157	2,29	7,53	7	1	1
6	0,1 м қалинликдаги тупроқни қўлда ишлаш	2-1-45	100 м ³	4,9	Ер қазувч и 2Р-1	3,1	1,9						

7	Лентасимон пойдевор остига кум қоплмани зичлаб солиш	19-28	1 м ³	8,1	Ёрдамчи транспорт ишчиси 2Р-2	10,5	10,7				6	1	2
8	+алинлиги 50 мм ли қуйма асафальтдан қўлда ташиб гидроизоляция қилиш	11-34	100 м ²	4,1	Изолировкачи 4Р-1, 2Р-1	15	7,6				3	1	2
9	Лентасимон пойдеворга опалубка қилиш	4-1-27	1 м ²	487,2	Дурадгор 4Р-1,2Р-1	0,25	15,2				4	1	4
10	Пойдеворни арматуралаш	4-1-34	1 м	1,8	Арматурачи 5Р-1,2Р-1	0,19	4,3				4	1	4
11	Лентасимон пойдеворга бетон қуйиш	4-1-40	м ³	141,3	Бетончи 4Р-1,2Р-1	0,3	5,3				4	1	4
12	Опалубкани олиш	4-1-27	м ²	487,2	Дурадгор 4Р-1,2Р-1	0,2	12,2				4	1	4
13	Лентасимон пойдевор блокини териш	11-1-2	1 м блок	420	Монтажчи 4Р-1,3Р-1,2Р-1 Машинаст	0,66	34,7	Кран	0,22	11,55	12	1	4

					5P-1								
14	Битум мастикадан гидроизоляция қилиш -тик	11-29	100 м ²	4,9	Изолировкачи 4P-1,2P-1	19,43	11,8				3	1	2
15	Горизонтал, рулон материал билан	3-2	100 м ²	1,6	/ишт терувчи 3P-1	8,6	1,7				3	1	2
16	Вақтинчалик отвалдан булдозер ёрдамида тупроқни суриш	2-1-21	100 м ³	105,2	Ёр қазувчи машинист 5P-1	2,29	1,51				1	1	1
17	Котлован ёнини тупроқни 5 м гача суриб тўлғазиш	2-1-44	1 м ³	105,2	Ёр қазувчи 2P-1,1P-1	0,89	11,70				4	1	4
18	Пневматик трамбовка ёрдамида тупроқни зичлаш	2-1-45	100 м ²	20,8	Ёр қазувчи 3P-1	2,4	6,2				4	1	4
19	Ертўла ораёпмаси учун кўп бўшлиқли плита ўрнатиш	4-1-7	1 та элем	111,0	Монтаж-к 4P-1,3P-2,2P-1 машинист 5P-1	0,76	10,5	Кран	0,19	2,64	2	1	4
20	Сейсmobелбоғ ва ораёпманинг монолит қисmlарига опалубка	4-1-34	1 м ²	64	Дурадгор	0,26	2,1						

	қилиш				4P-1,2P-1								
21	Сейсмобелбоғ ва ораёпманинг монолит қисмлари учун қўлда каркас ясаш ва ўрнатиш	4—1-34	1 т	1,4	Армат урачи 5P-1,2P-1	19	3,3						
22	Сейсмобелбоғ ва ораёпманинг монолит қисмларига бетон куйиш	4-1-37	1 м ³	40,2	Бетон чи 4P-1,2P-1	2,6	13,1						
23	Опалубка йиғиш	4-1-27	1 м ²	64	Дурад гор 4P-1,2P-1	0,2	1,6						
24	Плита орасидаги чокларни тўлдириш	4-1-19	100 м чок	4,3	Бетон чи 4P-1,3P-1	6,4	3,5						
25	1-қават, сувоқ қилинадиган қалинлиги 1,5 ғиштли ички ва ташқи деворни териш	3-3	1 м ³	328,4	/ишт терув чи 4P-1,2P-1	3,6	147,8				24	1	6
26	Ҳоваза ўрнатиш	3-16	1 м ³	328,4	Дурад гор 4P-1,2P-2	0,15	6,2				5	1	4
27	/иштни жамлаб кран ёрдамида 15 м баландликкача иш жойига етказиб бериш	3-17			Машинаст 5P-1	0,84	13,6	Кран	0,05	2,05	5	1	4
28	Монолит рама қисмларига опалубка қилиш	4-1-27	1 м ²	211,2	Дурад гор 4P-1,2P-1	0,3	7,9				4	1	4
29	Монолит қисмларига	4-1-34	1 т	1,3	Армат	19	3,0				4	1	4

	арматуралаш				урачи 5P- 1,2P-1								
30	Монолит қисмларига бетон куйиш	4-1-37	1 м ³	21,3	Бетон чи 4P- 1,2P-1	1,15	3,0				4	1	4
31	Опалубкани йиғиш олиш	4-1-27	1 м ²	211,2	Дурад гор 4P- 1,2P-1	0,175	4,6				4	1	4
32	1-қават ораёпма плитасини ўрнатиш	4-1-27	1 та элемент	105,0	Мон-к 4P-1 3P- 2,2P-1 маши нист 5P-1	0,76	10,0	кран	0,19	2,49	4	1	4
33	Сейсмобелбоғ ва ораёпманинг монолит қисмларига опалубка ўрнатиш	4-1-27	1 м ²	53,7	Дурад гор 4P- 1,2P-1	0,26	1,7				4	1	4
34	Сейсмобелбоғ ва ораёпманинг монолит қисмларига опалубка ичига қўлда каркас тўқиш ва ўрнатиш	4-1-34	1 т	1,2	Армат урачи 5P- 1,2P-1	19	2,8				4	1	4
35	Сейсмобелбоғ ва ораёпманинг монолит қисмларига бетон	4-1-37	1 м ³	20,1	Бетон чи 4P-	2,6	6,5				4	1	4

	қуйиш				1,2Р-1								
36	Опалубкани йиғиб олиш	4-1-27	1 м ²	53,7	Дурад гор 4Р- 1,2Р-1	0,2	1,3				4	1	4
37	Плита орасидаги чокларни тўлдириш	4-1,-19	100 м чок	6,0	Бетон чи 4Р- 1,3Р-1	6,4	4,8				4	1	4
38	2-қават сувоқ қилинадиган қалинлиги 1,5 ғиштли ички ва ташқи деворни териш	3 - 3	1 м ³	328,4	/ишт терув чи 4Р- 1,3Р-1	3,6	147,8				24	1	6
39	Ховаза ўрнатиш	3-16	1 м ³	328,4	Дурад гор 4Р- 1,2Р-2	0,15	6,2				5	1	4
40	/иштни жамлаб кран ёрдамида 15 м баландликкача иш жойига етказиб бериш	3-17	1000 дона	129, 7	Маши нист КР-1	0,84	13,6				5	1	4
41	Монолит рама қисмларига опалубка қилиш	4-1-27	1 м ²	211,2	Дурад гор 4Р- 1,2Р-1	0,3	7,9				4	1	4
42	Монолит қисмларига арматура қилиш	4-1-34	1 т	1,3	Армат урачи 5Р- 1,2р-1	19	3,0				4	1	4
43	Монолит қисмларига бетон қуйиш	4-1-37	1 м ³	21,1	Бетон чи 4Р- 1,2Р-1	1,15	3,0				4	1	4
44	Опалубкани йиғиб олиш	4-1-27	1 м ²	211,2	Дурад гор	0,75	4,6				4	1	4

					4Р-1,2Р-1								
45	Томёпма учун металл фермаларни ўрнатиш, элемент оғирлиги 2т гача	4-1-6	1 та элем	13,0	Мон-к 5Р-1 4Р-1,3Р-1,2Р-1 Машинаст 5Р-1	1,1	1,8	кран	0,22	0,36	4	4	6
46	Метал прогонларни ўрнатиш	20-1-56	1 т	11,1	Мон-к 6Р-1 5Р-1,4Р-1 3Р-1,2Р-1	10,5	14,5	кран	2,1	2,91	4	4	6
47	Уларни электропайвандлаш	4-1,-17	1 м чок	38,9	Пайвандчи 5Р-1	0,95	4,6				1	1	1
48	Томёпмага кўп бўшли плитани ўрнатиш	4-1-7	1 та элэм	117,0	4Р-1 3Р-1,2Р-1 Машинаст 5Р-1	0,76	11,1	кран	0,19	2,78	3	1	5
49	Томёпма плиталар чокини тўлдириш	4-1-19	100 м чок	1,9	Мон-к 4Р-1 3Р-1	6,4	1,5				1	1	2
50	Паропетга калинлиги 1,5 ғиштли деворни териш	3 – 3	1 м ³	50,2	/ишт терувчи 4Р-1,3Р-1	3,6	22,6				4	1	6

51	Бир қават буғсақлаги ч ётқизиш	7-16	100 м ²	11,4	Том соз 3Р- 1,2Р-1	7	10,0				6	1	6
52	Минерал ватадан иссиқ сақлагич ётқизиш 120 мм	7-16	100 м ²	11,4	Том соз 3Р- 1,2Р-1	7,6	10,9						
53	Цемент қоришмасидан қатлам ҳосил қилиш	7-15	100 м ²	11,4	Том соз 4Р- 1,3Р-1	8,8	12,6						
54	Тошга ёғоч устун ва стропилларни ўрнатиш	6-1-8	м ³	30,3	Дурад гор 4Р- 1,3Р- 1,1Р-1	31,33	118,7				12	1	10
55	Оценкали тунукадан желоблар ўрнатиш	7,-8	м ²	208,0	Том соз 4Р-1	0,2	5,2				3	1	10
56	Тошни СВ-1750 русумли асбест шиферлар билан қоплаш	7,-6	м ²	1012,0	Том соз 4Р- 1,2Р-1	0,19	24,0				3	1	10
	4. Пойдеворлар												
57	+аланлиги1 2 ғиштли арматураланган девор териш	3-11	1 м ²	831,6	/ишт терув чи 4Р- 1,2Р-1	0,61	63,4				8	1	8
	5.Поллар												
58	Грунтни шебек билан зичлаш	19,28	м ²	1194	Бетон чи 3Р-	0,29	43,3				7	1	6

					1,2Р-1								
59	+алинлиги 20 мм-ли бетон қоришмадан қатлам ётқизиш	19-30	100 м ²	11,9	Бетон чи 3Р-1,2Р-1	17,5	26,1				4	1	6
60	Битум мастикали бир қават гидроизоляция қатлам ётқизиш	11-29	100 м ²	11,9	Изали ровка чи 4Р-1,2Р-1	6,1	9,1				2	1	6
61	+алинлиги 50 мм ли цемент қоришмадан қатлам ётқизиш	19-27	100 м ²	11,9	Бетон чи 3Р-1,2Р-1	23	34,3				6	1	6
	1-тур пол (ёғоч пол)												
62	Ёғоч пол учун лага ётқизиш	19-1	М ²	1038,0	Дурад гор 4Р-1,2Р-1	0,41	53,2				19	1	12
63	Ёғоч тахтали пол ўрнатиш	19-2	100 м ²	10,4	Дурад гор 3Р-1,2Р-1	117	15,8						
64	Ёғоч пол учун плитус ўрнатиш	19-14	100 м ³	10,4	Дурад гор 3Р-1,2Р-1	19	24,7						
	2- турли (сопол плитка)												
65	13 мм қалинликда сопол плиткадан пол ётқизиш	19-20	М ²	54	Бетон чи 4Р-1,3Р-1	1,2	8,1				1	1	6
	3-тур пол (Тоза бетон пол)												
66	Тоза бетон пол ётқизиш	19-30	100 м ²	8,3	Бетон чи 4Р-1,2Р-1	5,2	5,4				2	1	2

[illegible]

71	Ички ва ташқи деворларни механик усулда сувоққа тайёрлаш	E8-1-1	100 м ²	56,8	Сувоқчи 3Р-1	16	113,7				12	1	10
72	Девор ва пардаворларни сифатли сувоқ қилиш	8-7	1 м ²	56,84	Сувоқчи 4Р-1,3Р-1	0,6	426,3				33	1	12
73	Откосларни сувоқ қилиш	8-8	1 м ²	186,9	Сувоқчи 4Р-1,2Р-1	2	46,7				5	1	10
74	Елимли қушимлар билан сифатли бўёқ қилиш	8-24	100 м ²	45,5	бўёқчи 3Р-1	15,8	89,8				14	1	6
75	Ёғли қўшимчалар билан сифатли бўёқ қилиш	8-24	100 м ²	11,4	бўёқчи 4Р-1	11,6	16,5				4	1	4
